

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ  
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ КАРДИОЛОГИИ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ХОЛИКОВ ИХТИЁР БАХОДИРОВИЧ**

**КЛИНИКО-ГЕМОДИНАМИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ  
ДИСФУНКЦИИ ПРАВОГО ЖЕЛУДОЧКА У БОЛЬНЫХ С  
ИНФАРКТОМ МИОКАРДА**

**14.00.06 – Кардиология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Холиков Ихтиёр Баходирович**

Миокард инфаркти билан бўлган беморларда юракнинг ўнг қоринча дисфункциясининг клиник-гемодинамик хусусиятлари..... 3

**Холиков Ихтиёр Баходирович**

Клинико-гемодинамические особенности дисфункции правого желудочка у больных с инфарктом миокарда..... 29

**Kholikov Ikhtiyor Bakhodirovich**

Clinico-hemodynamic features of right ventricular dysfunction in patients with myocardial infarction..... 55

**Эълон қилинган ишлар руйхати**

Список опубликованных работ  
List of published work..... 61

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ  
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ КАРДИОЛОГИИ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ХОЛИКОВ ИХТИЁР БАХОДИРОВИЧ**

**КЛИНИКО-ГЕМОДИНАМИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ  
ДИСФУНКЦИИ ПРАВОГО ЖЕЛУДОЧКА У БОЛЬНЫХ С  
ИНФАРКТОМ МИОКАРДА**

**14.00.06 – Кардиология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2022.1.PhD/Tib2415 рақам рўйхатга олинган**

Диссертация Самарканд давлат тиббиёт университети базасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб саҳифасида ([www.cardiocenter.uz](http://www.cardiocenter.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ташкенбаева Элеонора Негматовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бекметова Феруза Матсапаевна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Кенжаев Мажид Латипович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2024йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент ш., Осиё кўчаси 4, Тел.: (+99871) 234-16-67; e-mail: [cardicenter@mail.ru](mailto:cardicenter@mail.ru)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақамли рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Осиё кўчаси 4, Тел.: (+99871) 234-16-67.

Диссертация автореферати 2024йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2024йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр байномаси).

**Р.Д. Курбанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, академик

**Г.У. Муллабаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.Б. Шек**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Саноати ривожланган мамлакатларда юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ўлимнинг асосий сабабидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...юрак-қон томир касалликлари йигирма йил давомида бутун дунё бўйлаб ўлимнинг асосий сабаби бўлиб келган...»<sup>1</sup>. Тарихий жиҳатдан, ўнг қоринча (ЎҚ) бўйича тадқиқотлар, чап қоринча дисфункциясининг ўткир табиати туфайли эътибордан четда қолиб келган. Текширув усуллари такомиллашгани ва ўнг юрак патологияларини тушуниш ривожланганлиги сабабли, ўнг қоринча нотўғри баҳоланганлиги аён бўлди. Юракнинг асосий камераси сифатида миокард инфарктдан кейин чап қоринчадаги структуравий ва функционал ўзгаришлар етарлича батафсил ўрганилган. Ушбу тадқиқотлар асосида касалликнинг прогнозини аниқлаш ва даволаш тактикасини аниқлаш имконини берувчи бир қатор тавсиялар мавжуд. Бироқ, юракдаги чандикли ўзгаришлар пайтида юракнинг бошқа камералари, хусусан, ўнг қоринча дисфункцияси санокли тадқиқотларда ўрганилган. Ҳозирги вақтда ўнг қоринча ҳолатини баҳолаш учун стандартлаштирилган протоколлар мавжуд эмас. Ўнг қоринчанинг морфофункционал хусусиятларини батафсил ўрганиш диагностик протоколларини ишлаб чиқиш ва терапевтик ёндашувларни яхшилаш учун зарур. Ўнг қоринча дисфункцияси юрак ишемик касаллигида муҳим жиҳатдир. ЮИК да юракка қон таъминоти етарли эмаслиги юракнинг чап ва ўнг қоринчалари фаолиятининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Бироқ, клиник амалиётда кўпинча чап қоринча функциясига эътибор берилади, чунки у юрак функциясининг катта қисми учун жавобгардир ва қон оқимини сақлаш учун асосий аҳамиятга эга.

Дунё бўйлаб миокард инфарктида (МИ) ўнг қоринча дисфункцияси бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, бу эса бундай беморларда натижаларни башорат қилиш учун ўнг қоринча функциясини баҳолаш муҳимлигини таъкидлайди. Китано Т. ва ҳаммуаллифлар (2023) томонидан ўтказилган тадқиқотда уч ўлчовли эхокардиография ёрдамида ўлчанган ўнг қоринча қон отиш фракциясининг (КОФ) прогностик аҳамияти баҳоланди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ўнг қоринча КОФ нинг камайиши МИ билан оғриган беморларда клиник натижаларнинг ёмонлашиши билан боғлиқ. Шақя А. ва ҳаммуаллифлар (2023) нинг мета-таҳлили ўнг қоринча дисфункциясининг пастки девор миокард инфаркти бўлган беморларда касалланиш ва ўлимга таъсирини кўрсатдилар. Натижаларга кўра, ушбу беморларнинг 25,6% да ўнг қоринча дисфункцияси кузатилган. Ўнг қоринча инфарктининг мавжудлиги касалхонада ўлим ҳолатининг мустақил хавф омили бўлган.

---

<sup>1</sup> World Health Organization. <https://www.who.int/ru/news/item/09-12-2020-who-reveals-leading-causes-of-death-and-disability-worldwide-2000-2019>. янгиланган 2020 йил. 9 декабр.

Республикамизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, жумладан, эрта ташхис қўйиш усулларини такомиллаштириш ва юрак-қон томир касалликларини даволаш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга астойдил эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш соҳаси олдида муҳим вазифа турибди: «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва ундан фойдаланиш имкониятини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш, шу жумладан диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш орқали...»<sup>2</sup>. Шундай қилиб, юрак ишемик касаллигида ўнг қоринча дисфункциясининг долзарблиги тан олинган ва тадқиқотлар унинг юрак ишемик касаллиги бўлган беморларнинг прогнози ва даволаш стратегиясига таъсирини яхшироқ тушунишда давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш мақсадида 2022-2026 йилларга<sup>3</sup> мўлжалланган тараққиёт стратегиясига мувофиқ тиббий ёрдам сифатини ошириш вазифаси қўйилган. Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 сентябрдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сон «Юрак-қон томир касалликларини олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорида ва ушбу соҳадаги бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур илмий - тадқиқот ишлари Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг – VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Турли мамлакатларда ўтказилган кенг кўламли тадқиқотлар юрак етишмовчилигининг ривожланиши учун хавф омиллари сифатида юрак ишемик касаллигида ўнг қоринча дисфункциясининг юқори тарқалишини кўрсатади.

Мисол тариқасида, Mahesh A. et al. (2018), ўнг қоринча функцияси бирламчи ўткир миокард инфаркти бўлган беморларда (олд ва пастки деворларда бўлган, қисқариш фракцияси  $42 \pm 9,4\%$ ) 72 соат ва 1 ойдан кейин ўрганилган. Ушбу тадқиқот пастки девор миокард инфаркти бўлган беморларда ўнг қоринча диастолик дисфункциясининг тез-тез намоён бўлишини аниқлади, аммо узоқ муддатли прогноз аниқланмаган. ST сегментининг кўтарилиши билан биринчи ўткир миокард инфаркти бўлган

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ-5590" Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида " 7 декабр 2018 йил;

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 йил 2022 январдаги фармони. ПФ-60 "янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида".

беморларда ўнг қоринча функциясининг прогностик қиймати тўғрисида чекланган маълумотлар мавжуд. Radwan X. et al. (2021) некроз жойидан қатъий назар, касалхонада ва узоқ муддатли натижаларни башорат қилишда ўнг қоринча дисфункциясининг прогностик қийматини баҳолашди. Кулагина Т. et al. (2022) эхокардиография ёрдамида митрал клапан етишмовчилиги билан асоратланган юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда ўнг ва чап қоринчаларнинг функциялари ва уларнинг ўзаро таъсирини баҳолади. Архипова О. et al. (2017) томонидан юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда ўнг қоринча диастолик дисфункцияси (ЎҚДД) тарқалиши ва уни мавжудлиги билан боғлиқ омиллар ўрганилган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда Р. Д. Қурбонов (2015), Бекметова Ф.М. (2023), Шек А. Б. (2015), Ярмухаммедова С. Х. (2022) каби республиканинг етакчи мутахассислари томонидан ишлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар юрак-қон томир асоратларини башорат қилувчиларни, юрак етишмовчилиги фонида артериал гипертензия билан оғриган беморларда ўнг қоринча диастолик дисфункциясининг ролини ўрганишга бағишланган. Афсуски, миокард инфаркти билан оғриган беморларда ўнг қоринча дисфункциясининг клиник ва гемодинамик бузилиши, юрак етишмовчилигининг ривожланиши ва декомпенсация патогенези, ишемик ўнг қоринча дисфункциянинг эрта намоён бўлиши, индивидуал даволанишни танлаш, юрак-қон томир касалликларининг салбий асоратларини башорат қилиш масаласи етарлича ўрганилмаган бўлиб, бу - тадқиқотнинг аҳамияти ва долзарблигини кўрсатади.

Юқорида айтилганларнинг барчаси миокард инфаркти билан боғлиқ ўнг қоринча етишмовчилиги дунёнинг аксарият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида миллий ва халқаро саломатликнинг долзарб муаммоси бўлиб қолаётганидан далолат беради. Ушбу муаммони ҳал қилиш йўллари миллий ва халқаро эксперт гуруҳлари томонидан фаол ўрганилмоқда, уларнинг вазифаси аҳолида глобал юрак-қон томир хавфини назорат қилиш ва бошқариш тизимининг мақбул механизмларини ишлаб чиқиш ва молиявий таъминлашдан иборат.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши мавзуси бўйича илмий тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Саратов давлат тиббиёт университети билан амалий халқаро қўшма гранти доирасида В.И.Разумовский INTL-SARGMU-SAMGMI-2021-03 “Клиник ва лаборатория, психо-ижтимоий омилларни ўрганиш ва инфорацион технологиялар маълумотлардан фойдаланиш асосида беморларда, шу жумладан COVID-19 билан касалланган беморларда юрак-қон томир касалликларининг ривожланиш оқибати ва персоналлаштирилган терапияси” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** миокард инфаркти билан боғлиқ ўнг қоринча етишмовчилигини ташхислашга ёндашувларни такомиллаштириш, унинг юрак етишмовчилигининг ривожланиши, даволаш тактикасини танлаш ва юрак-қон томир асоратларининг олдини олишда аҳамиятини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

Миокард инфаркти бўлган беморларда ўнг қоринча систолик дисфункциясини учраши ва унинг юрак ишемик касаллиги хавф омиллари билан боғлиқлигини аниқлаш.

Ўнг қоринча қисқарувчанлиги бузилган беморларда коронар артерия шикастланишининг хусусиятларини таҳлил қилиш.

Миокард инфаркти бўлган беморларда чап юракнинг функционал ҳолатининг ўнг қоринча функцияси ва геометрик хусусиятларига таъсирини ўрганиш.

Сурункали юрак етишмовчилигининг ривожланишида миокард инфарктига учраган беморларда ўнг қоринча функционал ҳолатининг ролини аниқлаш.

Миокард шикастланишининг локализацияси ва тарқалишини ҳисобга олган ҳолда ўнг қоринча дисфункциясини ривожланиш хавфини баҳолаш.

Аниқланган клиник ва ангиографик ўзгаришларни таҳлил қилиш асосида даволашнинг энг самарали усулларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарканд давлат тиббиёт университети базасидаги кўп тармоқли тиббиёт маркази кардиожарроҳлик, кардиология ва рентген-эндоваскуляр жарроҳлик бўлимларида 2021 – 2023 йиллар давомида даволанган миокард инфаркти билан оғриган юрак ишемик касаллиги бўлган 144 бемор бўлиб, улардан олдинги девор миокард инфаркти бўлган 60 бемор, пастки девор миокард инфаркти бўлган 48 бемор, чап қоринча ён девор инфаркти бўлган 14 та бемор ва аралаш локализацияли миокард инфаркти бўлган 22 бемор танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида юрак етишмовчилиги маркёри (натриуретик пептид- NT-proBNP) ва миокард шикастланишининг кардиоспесифик маркёри (юқори сезгир тропонин), асосий биокимёвий параметрларни миқдорий аниқлаш учун юрак томирлари касаллиги бўлган беморларнинг веноз қони ва зардобии материаллари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Ушбу тадқиқотда қуйидаги текширув усуллари қўлланилган: умумий клиник, натрийуретик пептиднинг иммунофермент таҳлили, ултратовуш (юракни В, М режимларида баҳолаш, импульс-тўлқинли, рангли доплер режимлари), функционал (Холтер ЭКГ мониторинги), миниинвазив (коронарография ва ангиопластика) ва сифатли ва миқдорий маълумотларни статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

эркак ва семиз беморларда миокард инфаркти билан боғлиқ ўнг қоринча систолик дисфункциясининг кўпроқ тарқалиши исботланган.

ўнг қоринча майдони фракционал ўзгаришларнинг паст кўрсаткичларининг Syntax score баллари шкаласи бўйича коронар артерияларнинг мураккаб шикастланишининг юқори кўрсаткичлари билан, ҳамда ўнг коронар ва олдинги тушувчи артерияларнинг шикастланиши билан боғлиқлиги аниқланган.

проксимал стенозларнинг мавжудлиги ва учдан ортиқ коронар артерияларнинг шикастланиши ўткир миокард инфаркти ривожланишида ўнг қоринчанинг ишемик дисфункциясига олиб келадиган хавф омилларига киритиш лозимлиги исботланган.

миокард инфаркти билан оғриган беморларда миокард ревазуляризациясининг бажарилиши ўнг қоринчанинг охирги-диастолик майдонининг пасайиши, диастолик дисфункция кўрсаткичи (E/e') ва ўнг қоринча майдонининг фракционал ўзгариши билан акс эттирилган ўнг қоринчанинг структуравий ва функционал ҳолатини яхшиланиши ўртасидаги боғлиқлик мавжудлиги илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

миокард инфарктида ўнг қоринчанинг қисқарувчанлик функциясининг пасайиши аниқланган беморлар сезиларли юрак аритмиялари (Лаун бўйича юқори даражадаги қоринчала экстрасистолияси), шунингдек юрак етишмовчилигининг ривожланиши учун юқори хавфли гуруҳ сифатида таснифланиши лозимлиги аниқланган.

даволаш натижаларининг қиёсий таҳлилига асосланиб, ўнг қоринча дисфункцияси статистик жиҳатдан сезиларли даражада кўпроқ олдинги тушувчи ва ўнг коронар артерияларнинг окклюзион шикастланишларида аниқланади, бу дори-дармонлар билан даволашга қўшимча сифатида ревазуляризация учун кўрсаткич эканлиги қайд этилган.

ўнг қоринчанинг глобал қисқарувчанлигининг бузилиши, чап қоринчанинг охирги диастолик ҳажмининг юқори кўрсаткичлари ва унинг қон отиш фракциясининг пасайиши ўртасидаги боғлиқлик аниқланди, бу эса сурункали юрак етишмовчилигида чап қоринчанинг қон отиш фракциясига асосланиб дори терапияси зарурлигини белгилайди.

миокард инфарктдан кейин сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда ўнг қоринча майдонинг фракционал ўзгариши ва ўнг қоринча зарб ҳажми ўртасида яқин боғлиқлик аниқланди, миокард ревазуляризацияси эса ўнг қоринча дисфункциясини яхшиланишига ёрдам бериши қайд этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланиладиган назарий ёндашувлар ва усуллар, замонавий клиник ва инструментал, ултратовуш, юқори технологияли ва статистик тадқиқотлар, миокард инфаркти ва ўнг қоринча дисфункцияси билан оғриган беморларнинг етарли сони, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослаш билан тасдиқланган, олинган хулосалар ва натижалар тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланган.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, миокард реваскуляризацияси ишемик миокард фаолиятини босқичма-босқич тиклашга ва ўнг юракни ремоделланиш жараёнларининг тескари ривожланишига олиб келади, бу ўнг қоринчанинг систолик ва диастолик функциясини, гемодинамик кўрсаткичларини яхшиланиши билан бирга келади, кўпгина беморларда ўнг қоринча етишмовчилигининг клиник белгиларини камайишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, миокард инфаркти билан касалланган барча беморларга танланган даволаш усулидан қатъий назар эхокардиография текшируви ёрдамида ўнг қоринча функционал ҳолатини баҳолаш таклиф қилинган. Ушбу текширув стратегияси юқори диагностик аҳамиятга эга бўлиб, ўнг юрак дисфункциясини аниқлаш, СЮЕ ривожланиш хавфини камайтиришга ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берадиган оптимал даволаш усулини танлаш учун кенг фойдаланиш учун тавсия этилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларини жорий этилиши.** Миокард инфаркти билан боғлиқ ўнг қоринча етишмовчилигини ташхислашга ёндашувларни такомиллаштириш, унинг юрак етишмовчилигининг ривожланиши, даволаш тактикасини танлаш ва юрак-қон томир асоратларининг олдини олишда аҳамиятини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* Эркак ва семиз беморларда миокард инфаркти билан боғлиқ ўнг қоринча систолик дисфункциясининг юқори тарқалиши исботланган. Миокард инфарктининг (МИ) турли шакллари яъни олдинги ва олд-тўсиқ девори МИ, орқа ва орқа-ён девори МИ, Q тишли ва Q тишсиз МИ бор беморларда ўнг қоринча дисфункцияси келиб чиқишида юрак ишемик касаллигининг хавф омилларини ўрганиш бўйича таклифлар Самарқанд Давлат тиббиёт университети қошидаги эксперт кенгаши томонидан 2024йил 29-январдаги 17-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Юрак томирлари касаллигида ўнг қоринча дисфункциясини ташхислашда замонавий технологиялар», 2024йил 29-январдаги 18-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Коронар юрак касаллиги билан оғриган беморлар орасида ўнг қоринча дисфункциясининг тарқалиши ва замонавий текшириш усуллари» услубий тавсияномалари мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд вилоят тиббиёт бирлашмасига 05.02.2024-йилдаги 14-сонли буйруқ ҳамда Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмасига 12.02.2024-йилдаги 9-буйруқ жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* МИ нинг турли шакллари бор беморларда юрак ўнг қоринчаси дисфункциясининг ўзига хос хусусиятлари ва келиб чиқишидаги хавф омилларни аниқлаш орқали орқали қисқа муддатда инфаркт касаллигининг асоратлари олди олинади. Бу эса жамиятдаги МИ га чалинган беморларнинг турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини яхшиланишига олиб

келган. Бу ҳолат масаланинг ижтимоий аҳамиятини таъминлайди. *Иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: беморларнинг ҳаётига хавф солувчи, эрта ногиронлик ва ўлимга олиб келувчи юрак қон-томир касалликларида асоратларнинг, қўшимча сурункали юрак етишмовчилиги ва юрак ритми бузилишига қарши дориларга эҳтиёжнинг камайишига олиб келиб, бу соҳада меҳнатга лаёқатсизлик, ногиронлик ва даволашга қаратилган чора-тадбирларга бўлган талабни камайишига олиб келиши ҳисобига иқтисод қилишга эришилган. Бу эса ҳар ойда сурункали юрак етишмовчилигига қарши дори воситаларига сарфланадиган ўрта ҳисобда 281 000 сўмни тежаш имконини берди.

*иккинчи илмий янгилик:* ўнг қоринча майдони фракционал ўзгаришларнинг паст кўрсаткичларининг Syntax score баллари шкаласи бўйича коронар артерияларнинг мураккаб шикастланишининг юқори кўрсаткичлари билан, ҳамда ўнг коронар ва олдинги тушувчи артерияларнинг шикастланиши билан боғлиқлиги аниқлаб чиқилган таклифлар Самарқанд Давлат тиббиёт университети қошидаги эксперт кенгаши томонидан 2024йил 29-январдаги 17-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Юрак томирлари касаллигида ўнг қоринча дисфункциясини ташхислашда замонавий технологиялар», 2024йил 29-январдаги 18-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Коронар юрак касаллиги билан оғриган беморлар орасида ўнг қоринча дисфункциясининг тарқалиши ва замонавий текшириш усуллари» услубий тавсияномалари мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд вилоят тиббиёт бирлашмасига 05.02.2024-йилдаги 14-сонли буйруқ ҳамда Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмасига 12.02.2024-йилдаги 9-буйруқ жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* МИ турли шакллари бўлган беморларда тож томирлар зарарланганда тери орқали коронар аралашувдан кейинги даволаш муолажалари билан биргаликда олиб борилган госпитал натижалар орқали тож томирларни стентлаш, юрак етишмовчилиги функционал синфлари камайишига ва МИ даволаниш самарадорлигини ортишига ҳамда асоратларнинг олди олинишига олиб келган. *Иқтисодий самарадорлиги:* МИнинг турли шакллари билан касалланган юрак тож томирлари зарарланган беморларда стентлаш амалиёти ўтказилгандан кейин юрак етишмовчилиги функционал синфларини камайиши ва кўпчилик беморларда стенокардия хуружларини камайиши ҳисобига, беморларда қўшимча бета-блокаторлар, ААФ ингибиторлари ва гиполипидемик дори дармонларга ҳар ойда сарфланадиган 279 000 сўмни тежаш имконини берди.

*Учинчи илмий янгилик:* проксимал стенозларнинг мавжудлиги ва учдан ортиқ коронар артерияларнинг шикастланиши ўткир миокард инфаркти ривожланишида ўнг қоринчанинг ишемик дисфункциясига олиб келадиган хавф омилларига киритиш лозим эканлиги аниқланган ва ушбу таклифлар Самарқанд Давлат тиббиёт университети қошидаги эксперт кенгаши

томонидан 2024йил 29-январдаги 17-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Юрак томирлари касаллигида ўнг қоринча дисфункциясини ташхислашда замонавий технологиялар», 2024йил 29-январдаги 18-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Коронар юрак касаллиги билан оғриган беморлар орасида ўнг қоринча дисфункциясининг тарқалиши ва замонавий текшириш усуллари» услубий тавсияномалари мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд вилоят тиббиёт бирлашмасига 05.02.2024-йилдаги 14-сонли буйруқ ҳамда Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмасига 12.02.2024-йилдаги 9-буйруқ жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* юрак коронар томирлари кўп сонли шикастланган МИнинг турли шакллари бор беморларда миокард реваскуляризациясининг бир йил муддатли натижаларини таҳлил қилиш, келажакда беморда миокард инфаркти, юрак аритмиялари, ҳамда юрак етишмовчилиги ривожланиши ва зўрайиши каби салбий оқибатларни олдини олишда кейинги даволаш тактикасини танлашни белгилаб берди. Бу эса беморларнинг хаётчанлиги ва ўлим кўрсаткичларининг камайишига сабаб бўлган. *Иқтисодий самарадорлиги:* юрак коронар томирлари кўп сонли шикастланган МИнинг турли шакллари бор беморларда миокард реваскуляризациясининг бир йиллик натижаларининг аҳамиятлилиги натижасида беморларнинг клиник белгиларнинг яхшиланишига сабаб бўлиб, беморларда антиангинал ҳамда антиагрегант дори воситаларига ҳар ойда сарфланадиган 174 000 сўмни тежаш имконини берди.

*Тўртинчи илмий янгилик:* Миокард инфаркти билан оғриган беморларда миокард реваскуляризациясининг бажарилишининг ўнг қоринчанинг охири-диастолик майдонининг пасайиши, диастолик дисфункция кўрсаткичи (E/e') ва ўнг қоринча майдонининг фракционал ўзгариши билан акс этирилган ўнг қоринчанинг структуравий ва функционал ҳолатини яхшиланиши ўртасидаги боғлиқлик илмий асосланган ва ушбу таклифлар Самарқанд Давлат тиббиёт университети қошидаги эксперт кенгаши томонидан 2024йил 29-январдаги 17-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Юрак томирлари касаллигида ўнг қоринча дисфункциясини ташхислашда замонавий технологиялар», 2024йил 29-январдаги 18-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Коронар юрак касаллиги билан оғриган беморлар орасида ўнг қоринча дисфункциясининг тарқалиши ва замонавий текшириш усуллари» услубий тавсияномалари мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд вилоят тиббиёт бирлашмасига 05.02.2024-йилдаги 14-сонли буйруқ ҳамда Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмасига 12.02.2024-йилдаги 9-буйруқ жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* МИ турли шакллари бор беморларда юрак тож томирлари реваскуляризация амалиёти, стенокардия кечишига ижобий таъсир қилган, беморларнинг хаёт сифати ҳамда жисмоний юкламага

толерантликни ортишига, оғриқ хуружлари давомийлигининг камайишига сабаб бўлган. *Иқтисодий самарадорлиги*: беморларда юрак кўплаб тож томирлари зарарланганда прогнозга таъсир қилувчи салбий предикторларни инобатга олиб уларга самараси исботланган даво турлари таклифи берилиши, уларнинг тери орқали коронар аралашув ёки аортакоронар шунтлаш амалиётини танлашга хизмат қилади бу эса даволаш самарадорлигини ортиши, кўшимча дорилар истеъмолига талабнинг камайишига, стационарда қолиш кунларининг камайишига ва кўшимча даволанишга бўлган эҳтиёжининг камайишига олиб келади. Бу эса ҳар бир бемор учун тўғри даволаш амалиётини танлашда ўртача 4 600 000 сўмни тежаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар, шу жумладан 2 та услубий тавсияномалар ва 7 та журнал мақолалари чоп этилган бўлиб, улардан 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 131 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, аҳамияти, долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён етилган, тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари баён етилган, олинган натижаларнинг амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалга ошириш, мавзу бўйича ишларнинг нашр этилиши ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумот беради.

Диссертация ишининг **биринчи бобида** ишемик ўнг қоринча дисфункцияси ривожланишининг замонавий тушунчалари тўғрисида маълумот берадиган 3 та кичик бобдан иборат адабиётлар шарҳи келтирилган, ишемик ўнг қоринча дисфункцияни ривожланиши учун турли хил этиопатогенетик хавф омиллари, диагностика усуллари, шу жумладан, юрак ишемик касаллиги, шунингдек, уларнинг даволашнинг замонавий жиҳатлари келтирилган.

Диссертация ишининг **"Материаллар ва тадқиқот усуллари"** номли иккинчи бобида клиник, лаборатория ва инструментал тадқиқот усулларини ўтказиш техникаси батафсил тавсифланган, текширилаётган беморларнинг умумий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд.

Тадқиқотга турли локализациядаги ўткир миокард инфаркти бўлган 144 бемор киритилган. Ушбу беморларга клиник, инструментал ва биокимёвий тадқиқотлар ўтказдилар. Ўрганилган беморларнинг ўртача ёши  $62,79 \pm 9,22$  ёшни ташкил этди. Назорат гуруҳи нормал эхокардиографик маълумотларга эга бўлган ва юрак хасталиги, тизимли гипертония ёки сурункали ўпка касалликлари тарихи бўлмаган 70 нафар соғлом одамдан иборат.

Беморларни тадқиқотга киритиш мезонлари қуйидагилардан шакллантирилди: тасдиқланган миокард инфаркти, қониқарли ЭхоКГ визуализация ва синусли ритмдаги беморларни ўз ичига олади.

Тадқиқотдан истисно қилиш мезонлари қуйидагилардан таркиб топди: олдинги миокард реваскуляризацияси процедуралари (коронар шунтлаш операцияси ёки коронар артерия стентланиши); сурункали буйрак касаллиги 4 ва ундан юқори босқичи бўлган беморлар (гломеруляр филтрация даражаси  $<30$  мл/мин/1,73 кв.м), туғма ёки орттирилган юрак нуқсонлари, чап қоринча функцияси ва/ёки ўпка артерияси босимига таъсир қилувчи қўшма касалликларни аниқлаш (сурункали обструктив ўпка касаллиги, астма ва бошқалар), беморнинг кузатишни давом еттиришдан бош тортиши.

Текширилган когортада энг кўп учрайдиган хавф омили 128 беморда (88,9%) кузатилган артериал гипертензия, шунингдек дислипидемия (67,3%), ирсият (57%), эркак жинси (61,1%) ва 47,9% ҳолларда чекиш кузатилди. Қандли диабет беморларнинг 25 фоизда учради.

Миокард инфаркти билан оғриган барча беморлар умумий қон текшируви, коагулограмма, биокимёвий тадқиқотлар, хусусан, тропонин

даражасини ва қондаги натриуретик пептид даражасини аниқлаш каби лаборатория текширувларидан ўтдилар. Агар коронар артерия шикастланишига шубҳа қилинган бўлса, беморларга коронар ангиография, сўнгра миокард реваскуляризацияси, ангиопластика ва инфарктга айбдор коронар артерияни стентлаш амалиёти ўтказилган.

Барча беморларни эхокардиографик текшириш трансорокал йул билан Philips Affiniti G70 қурилмасида (Phillips, АҚШ) замонавий тавсияларга мос келадиган талабларга мувофиқ S5-1 конвексли датчик орқали амалга оширилди.

Мия натриуретик пептидини (NT-proBNP) миқдорий аниқлаш Wondfo Biotech Co., Ltd. (Хитой) томонидан ишлаб чиқарилган портатив ярим автоматик Fineware™ FIA Meter Plus анализаторида флуоресцентный иммуноферментный экспресс-тест ёрдамида амалга оширилди. 125 пг/мл дан ортиқ NT-proBNP кўрсаткичи юрак етишмовчилигининг диагностик белгиси деб ҳисобланди.

Ангиографик тадқиқотлар Philips қурилмасида (Голландия) Azurion 3M рентген ангиографик тизими ёрдамида 15" дюмли детектор ёрдамида Xcelera дастуридан фойдаланган ҳолда стеноз даражаси аниқланди. Инвазив текширув билан, тирсак ва елка артерияларига кириш орқали амалга оширилди. Ангиограммалар чап коронар артерия учун 5 та стандарт проекцияда ва ўнг коронар артерия учун 4 та проекцияда олинган.

Коронар артерияларнинг сезиларли обструкцияси, инфаркт бўлмаган томирларнинг ички диаметрининг 70% ва ундан пасайиши кўрсаткичида аниқланди.

Холтер ЭКГ мониторинги 24 соат давомида амбулатория ва стационар шароитда VTL 08 қурилмасида (буёк Британия) 3 каналли рўйхатдан ўтган ҳолда амалга оширилди.

Маълумотлар таҳлил қилинди ва Microsoft Excel 2021 да сақланди. Узлуксиз ўзгарувчилар 25 ва 75 фоизларни кўрсатадиган стандарт оғиш ёки медианлар билан ўртача кўрсаткичлар сифатида, категорик ўзгарувчилар эса фоиз частоталари сифатида ифодаланади. Тарқалишнинг нормаллиги Колмагоров-Смирнов тести ёрдамида текширилди. Узлуксиз ўзгарувчилардаги гуруҳлар ўртасидаги фарқларни таҳлил қилиш учун Студент т-тести нормал тақсимот учун, ноноормал тақсимот учун Манн-Уитни тести ва Уилкоксон даражалар йиғиндиси усули ишлатилган. Категорик ўзгарувчиларни таҳлил қилиш учун Хи-квадрат усуллари ва Фишернинг аниқ усули ишлатилган. Ўзаро муносабатлар коэффициентлар нисбати (OR) ёрдамида баҳоланди ва OR учун 95% ишонч оралиғи (CI 95%) ҳисоблаб чиқилди. Миқдорий хусусиятлар ўртасидаги муносабатни баҳолаш учун чизиқли регрессия ва корреляцион таҳлил усуллари (Пирсон ва Спирмен корреляция коэффициентлари) ишлатилган. Уч гуруҳдаги ўртача қийматларни таққослаш учун такрорий ўлчовлар учун дисперсия таҳлили (такрорий ўлчовлар ANOVA) ишлатилган. Маълумотларни таҳлил қилиш SPSS дастурий таъминотининг 29.0 (IBM Co. Armonk, NY, USA) версияси ёрдамида амалга

оширилди. Фарқлар  $p < 0,05$  қийматида статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади.

Диссертациянинг ишининг **"Ўз тадқиқотимиз натижалари"** номли учинчи боби 4 та кичик бобдан иборат.


Ушбу диссертациянинг мақсадларидан бири ўткир миокард инфаркти бўлган беморларда ўнг қоринча систолик дисфункциясининг учраш частотасини аниқлаш эди. Шу мақсадда МИ билан касалланган 144 та бемор ва 70 та деярли соғлом шахслар (назорат) истиқболли тадқиқотга киритилган.

**"Ўткир миокард инфарктида ўнг қоринча систолик дисфункциясининг клиник ва гемодинамик хусусиятлари"** биринчи кичик бобида МИ билан текширилган барча 144 беморда ўнг қоринчанинг структуравий ва гемодинамик кўрсаткичлари келтирилган. Ўртача чап қоринча қон отиш фракцияси (ЧҚ ҚОФ) меъёрдан паст бўлган ва  $50,8 \pm 7,5\%$  ни ташкил этди ( $p < 0,001$ ). Ўртача ЧҚ ҳажми  $135,0 [109 - 165,2]$ мл ни ташкил этди, бу назорат гуруҳига нисбатан сезиларли юқори эди ( $p < 0,001$ ).

Ўнг қоринча майдонининг фракционал ўзгариши (ЎҚ МФЎ)  $36,6 \pm 4,5\%$  ни ташкил этади ( $p < 0,001$ ), ўнг қоринчанинг охириги-диастолик ҳажми эса  $28,2 \pm 3,5$ см<sup>2</sup> ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ).

Трансторкал эхокардиография бўйича ўнг қоринчанинг структуравий ва функционал ҳолатини батафсил таҳлил қилинди: текширилган беморларнинг 39 (27,1%) да ўнг қоринча бўшлиғининг кенгайиши аниқланди; ўпка артерияси систолик босими (ЎАСБ) даражаси ўртача  $25,1 \pm 9,3$  мм симоб устунни ни ташкил этди, бу эса назорат гуруҳига ( $p < 0,01$ ) нисбатан баландроқ эди; Беморларнинг 52,1% да ЎАСБ даражаси нормал кўрсаткичда сақланган, беморларнинг 34% да ЎАСБ даражаси 30 мм сим.уст дан ошгани аниқланди. Текширилган гуруҳдаги ўртача ЎҚ зарб ҳажми (ЎҚ ЗҲ)  $86,7 \pm 27,5$  мл ни ташкил этди. Беморларнинг 28% да ЎҚ ЗҲ нинг паст қийматлари аниқланди, 49% да ЎҚ ЗҲ қийматлари нормал диапазонда эди, беморларнинг 23% да ЎҚ ЗҲ нинг юқори қийматлари аниқланди (100 мл дан ортиқ). 4 камерали ҳолатда ўнг қоринчанинг МФЎ ўртача  $36,6 \pm 4,5\%$  ни ташкил этди, бу назорат гуруҳига ( $p < 0,001$ ) қараганда анча паст эди.


Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) учун хавф омилларининг тарқалишини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, ўнг қоринчанинг систолик дисфункцияси билан ЮИК хавф омилларидан эркак жинси (OR 2.7 CI 1.2 – 5.8) ва семизлик (OR 2.4, CI 1.1 – 5.0) ўртасида боғлиқлик аниқланди (1-расм).



**Расм 1.** Ўнг қоринчанинг систолик дисфункцияси билан боғлиқ бўлган юрак ишемик касаллиги хавф омиллари.

Ўнг қоринча МФЎ ва чап қоринча ҚОФ пасайиши ( $r=0,42$ ;  $p<0,05$ ) ўртасида тўғри, шунингдек ЧҚ охириги диастолик ҳажми (ОДХ) ва ўнг қоринча МФЎ ( $r= -0,57$ ;  $p<0,05$ ) ўртасида тесқари корреляцион муносабатлар топилди (2-расм).

Шундай қилиб, МИ билан оғриган беморлар орасида ўнг қоринча қисқарувчанлигининг бузилиши 29% ҳолатни ташкил этди.



**Расм 2.** Миокард инфаркти билан оғриган беморларда ЧҚ ҚОФ ва ЎҚ МФЎ (а) ( $p<0,05$ ), ЧҚ ОДХ ва ЎҚ МФЎ (б) ( $p<0,01$ ) ўртасидаги корреляцион боғлиқлик.

Суткалик ЭКГ мониторинги натижаларига кўра, ўткир миокард инфаркти ва ўнг қоринча систолик функцияси бузилган беморларнинг 31% да қоринчалар экстрасистолияси юқори градациялари (жуфтлашган, гуруҳли ва полиморф) ( $p=0,03$ ) кузатилди.


**"Юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда юрак чап қисми функционал ҳолатининг ўнг қоринча функцияси ва геометрик хусусиятларига таъсири"** сарловҳали иккинчи кичик бобида биз чап қоринчанинг функционал ҳолатини юрак ўнг қоринчасининг ремоделланиш жараёнларига таъсирини ўрганиш асосида тектирилган барча беморларни чап қоринча қон отиш фракциясига (ЧҚ ҚОФ) асосланган ҳолда ( $n=144$ ) 3 гуруҳга ажратдик: 1-гуруҳ ( $n=28$ ) ЧҚ ҚОФ 40% ва ундан паст; 2-гуруҳ ( $n=46$ ) ЧҚ ҚОФ 41-49% бўлган; 3-гуруҳ ( $n=70$ ) ЧҚ ҚОФ 50% ва ундан кўп беморлар киритилди.

Кўриб чиқилаётган гуруҳлар ўртасида ўнг қоринчанинг геометрик хусусиятларида сезиларли фарқлар топилди: биринчи гуруҳда 2- ва 3- гуруҳларга нисбатан ўнг қоринча бўшлиғининг яққолроқ кенгайиши кузатилди ( $P_1-P_2=0,001$ ;  $P_1-P_3=0,0002$ ;  $P_2-P_3=0,005$ ): ўнг қоринча кенгайишини аниқлаш частотаси биринчи гуруҳда 50% ни ташкил этди, иккинчи ва учинчи гуруҳларда эса бу кўрсаткич бу мос равишда 30,4% ва 15,7% ни ташкил этди. Биринчи ва иккинчи гуруҳларда ўнг бўлмача (ЎБ) ҳажмининг ошиши ( $P_1-P_2=0,26$ ;  $P_1-P_3=0,008$ ;  $P_2-P_3=0,004$ ), ўнг қоринчанинг охириги диастолик майдони ( $P_1-P_2=0,001$ ;  $P_1-P_3=0,0002$ ;  $P_2-P_3=0,005$ ) ва ўнг қоринчадаги фракционал майдони ўзгаришларнинг камайиши ( $P_1-P_2=0,0063$ ;  $P_1-P_3=0,0001$ ;  $P_2-P_3=0,004$ ) кузатилди, шунинг акси бўлиб, учинчи гуруҳда бу кўрсаткичлар нормал ҳолатида қолди. Бундан ташқари, солиштирганда биринчи гуруҳда 3 табақали клапан етишмовчилигининг сезиларли тарзда юқори даражаси кузатилди: 75%, иккинчи ва учинчи гуруҳларда мос равишда 41,3% ва 37,1% ( $P_1-P_2=0,0014$ ,  $P_1-P_3=0,0001$ ,

$P2-P3=0,15$ ), оғир даражадаги 3 табақали клапана етишмовчилиги 1- ва 2- гуруҳ беморларда 28,6% ва 8,7% нисбатда мос равишда учради ( $P1-P2<0,01$ ).

Шундай қилиб, юракнинг ўнг қисмларида структуравий ва функционал ўзгаришлар юракнинг чап қисмларининг функционал ҳолати билан чамбарчас боғлиқ. Оғир чап қоринча миокард дисфункцияси бўлган беморларда (ЧҚ қисқариш фракцияси 40% дан кам), ўнг қоринча бўшлиғининг кенгайиши, ўнг бўлмача бўшлиқнинг кенгайиши ва трикуспидал қопқоқ функциясининг трикуспид етишмовчилигининг пайдо бўлиши эхокардиографик параметрлари билан бирга келадиган ўнг бўлимларнинг янада муҳим қайта қуришилиш жараёнлари кузатилади. Ремоделлашув жараёнлари натижасида ўнг қоринчанинг систолик функциясида янада аниқ пасайиш кузатилади.


Диссертациянинг "**Ўнг қоринча миокард дисфункцияси бўлган беморларда коронар артерия шикастланиши анатомиясини таҳлил қилиш**" сарловҳали учинчи кичик бобида миокард инфаркти бўлган 144 беморда коронар ангиография натижалари тасвирланган. Ўнг қоринча миокардининг ишемик дисфункциясини ривожланишига олиб келадиган коронар қон таъминоти бузилишларининг хусусиятлари ўрганилди, биз МИ билан оғриган беморларнинг иккита кичик гуруҳида коронар тўшак ҳолатини қиёсий таҳлил қилдик; ўнг қоринчанинг қисқарувчанлик функцияси бузилган (102 бемор) ва ўнг қоринчанинг систолик функцияси сақланиб қолган (42 бемор). Беморларнинг 14,3% ва 21,5% да битта коронар артериянинг (КА) шикастланиши, 14,3% ва 23,5% да иккита КА, 26,2% ва 29,4% да учта КА, 3 дан ортиқ КА 45,2% ва 25,5% беморларда аниқланди ( $[df=2; F=2,39], P=0,00013$ ) (Расм 3а). Syntax баллари шкаласи бўйича коронар артерияларнинг комплекс шикастланиши таҳлил қилинганда, иккита кичик гуруҳ ўртасида статистик жиҳатдан муҳим фарқлар қайд этилди, Syntax баллари шкаласи 30,7 га қарши 26,2 ( $P < 0,02$ ) ни ташкил этди (Расм 3б).



**Расм 3.** Ўнг қоринча қисқарувчанлик функцияси бузилган ва сақланган беморларда коронар томирлар шикастланишининг солиштирма таҳлили.


Коронар қон айланишининг тури бўйича гуруҳлар ўртасида фарқ аниқланмади; коронар қон айланишининг ўнг турига эга беморлар иккала гуруҳда ҳам мос равишда 53% ва 55% нисбатда устунлик қилишди.

Коронар артерияларнинг турли шохлари шикастланишининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, ўнг қоринча дисфункцияси бўлган беморлар гуруҳида асосий коронар томирларнинг окклюзион шикастланиши сезиларли даражада кўпроқ аниқланди: 57,1% ва 23,5% ҳолатда ( $P=0,0001$ ) олдинги тушувчи артерия (ОТА) окклюзияси, 33,3% ва 21,6% ҳолатда ( $P=0,16$ ) айланиб ўтувчи артерия (ОЎА), ўнг коронар артерия (ЎКА) 47,6% ва 23,5% ( $P=0,005$ ) ҳолатларда аниқланди (Расм 4а ва 4б).



**Расм 4.** Текширилаётган беморларда коронар артерияларини анатомик ва оғирлик жихатидан шикастланиши солиштирма таҳлили

Биз 4-камерали позицияда ўнг қоринча умумий систолик функцияси (ўнг қоринча МФЎ) ва syntax score шкала бўйича коронар артерия шикасти мураккаблиги ( $p=0,57$ ,  $p<0,01$ ) ўртасида боғлиқликни аниқладик. Натижалар шуни кўрсатадики, ўнг қоринча миокардни қон билан таъминлайдиган асосий артерия бўлган ЎКА нинг шикастланиши, шунингдек ЎКА тизимида коллатерал қон оқимининг манбаи бўлган ОТА нинг шикастланиши ўнг қоринча ишемик дисфункциясининг ривожланишида асосий рол ўйнайди.



**Расм 5.** Миокард инфаркти бўлган беморларда ўнг қоринча МФЎ ва Syntax score кўрсаткичи ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ( $P < 0,05$ ).

Диссертациянинг "Миокард инфаркти бўлган беморларда ўнг қоринча функционал ҳолатининг сурункали юрак етишмовчилигининг ривожланишидаги роли" сарловхали тўртинчи кичик бобида сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) белгилари бўлган 68 бемор тасвирланган, уларнинг ҳолати қонда натрийуретик пептидни (NT-proBNP) аниқлаш билан белгиланган.

Беморлар (n=68) СЮЕ функционал синфининг (ФС) оғирлигини ҳисобга олган ҳолда уч гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ (n=21) СЮЕ I ФК билан оғриган беморлар; 2-гуруҳ (n=28) СЮЕ II ФК билан оғриган беморлар ва 3-гуруҳ (n=19) СЮЕ III ФК билан оғриган беморлар.

Ўнг қоринча юрак етишмовчилигининг клиник белгилари қуйидагича аниқланди: 1-гуруҳ беморларининг 14,3% да, иккинчи гуруҳнинг 21,4% да ва 3-гуруҳ беморларининг 31,6% оёқларнинг шишиши аниқланди ( $P_{1-2}=0,054$ ,  $P_{1-3}=0,0001$ ,  $P_{2-3}=0,003$ ), шунингдек 2 - гуруҳ беморларининг 15,8% да ва 3-гуруҳ беморларининг 26,3% да плевра бўшлиғида эркин суюқлик аниқланди ( $P_{2-3}=0,02$ ). 1-гуруҳ беморларида эса гидроторакснинг белгиси кузатилмади.

ЧҚ ҚОФ тинч ҳолатда  $53,65 \pm 4,98\%$ ,  $50,8 \pm 7,59\%$  ва  $46,68 \pm 6,16\%$  ни биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳларда мос равишда ташкил этди. Бинобарин, 1-гуруҳ ва 2-гуруҳ ўртасида ЧҚ ҚОФ да статистик фарқлар аниқланмади, 3-гуруҳдаги беморларда ЧҚ ҚОФ кўрсаткичлари пастроқ бўлди ( $P_{1-2}=0,054$ ,  $P_{1-3}=0,0003$ ,  $P_{2-3}=0,009$ ). Гуруҳлар орасидаги беморлар охириги диастолик ЧҚ ҳажмида ( $P_{1-2}=0,79$ ,  $P_{1-3}=0,41$ ,  $P_{2-3}=0,22$ ) ва ЧҚ зарб ҳажмида ( $P_{1-2}=0,067$ ,  $P_{1-3}=0,062$ ,  $P_{2-3}=0,85$ ) фарқ қилмади.

Биз СЮЕ бўлган беморларнинг эхокардиография текширувида транспульмонал оқимнинг кўрсаткичлари бўйича ҳисобланган гемодинамик параметрларини солиштирдик. Гемодинамик параметрларни талқин қилишда енгил ва оғир СЮЕ бўлган гуруҳлар ўртасида қуйидаги кўрсаткичлар бўйича сезиларли фарқлар аниқланди: максимал транспульмонар оқим тезлиги ( $V_{\max}$ ) бўйича -  $89,06 \pm 5,42$  см/с ва  $67,75 \pm 5,17$  см/с ( $P_{1-3} < 0,0001$ ), ўнг қоринча зарб ҳажми 1-гуруҳда  $97,67 \pm 14,88$  мл, 3-гуруҳда -  $80,81 \pm 13,58$  мл ни ташкил этди ( $P_{1-3}=0,001$ ), гуруҳлар ўртасида ўртача ўпка артерияси босими даражасида статистик фарқлар аниқланмади -  $21,2 \pm 4,76$  мм см.уст ва  $24,83 \pm 11,14$  мм см.уст ( $P_{1-3}=0,088$ ) мос равишда. Бу яна бир бор шуни кўрсатадики, ЧҚ миокард шикастланиши даражаси гуруҳлар ўртасида сезиларли даражада фарқ қилмади, гуруҳларнинг ўнг қоринча миокард шикастланиши даражаси эса сезиларли даражада фарқ қилган, 3-гуруҳда ўнг қоринча миокард дисфункцияси сезиларли даражада оғирроқ намоён бўлган.

Ўнг қоринча геометриясининг параметрларини уч гуруҳга бўлиб таҳлил қилганда, СЮЕ нинг турли функционал синфлари бўлган беморлар апикал 4-камерали позицияда ЎҚ диаметри бўйича статистик жиҳатдан фарқ қилмаслиги аниқланди: ўнг қоринча  $\frac{1}{3}$  нинг диаметри - 1-, 2- ва 3-гуруҳларда мос равишда  $3,26 \pm 0,60$  см,  $3,40 \pm 0,59$  см и  $3,37 \pm 0,52$  см ( $P_{1-2}=0,32$ ;  $P_{1-3}=0,4$ ;  $P_{2-3}=0,85$ ) ташкил қилди.

Оғир СЮЕ билан оғриган беморларда 4 камерали позицияда ўнг қоринчанинг диастола ва систоладаги ўнг қоринчанинг охириги диастолик майдони (ОДМ) аниқланди: ўнг қоринчанинг ОДМ 1-, 2- ва 3- гуруҳларда мос равишда  $20,8 \pm 1,57$  см<sup>2</sup>,  $22,1 \pm 1,95$  см<sup>2</sup> и  $28,0 \pm 1,45$  см<sup>2</sup> ( $P_{1-2}=0,3$ ;  $P_{1-3}=0,0005$ ;  $P_{2-3}=0,01$ ) ташкил этди. Бинобарин, олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, СЮЕ клиник белгиларининг прогресси ўнг қоринча функциясининг бузилиши билан яқин боғлиқ ҳолда ривожланади.

**Диссертациянинг "Миокард инфаркти билан оғриган беморларни медикаментоз ва хирургик даволаш самарадорлигини аниқлаш" деб номланган тўртинчи боби 2 кичик бобдан иборат.**

**Чап қоринча чандикли ўзгаришнинг турли локализацияси билан  
миокард инфаркти ўтказган беморларда чап ва ўнг қоринчаларнинг  
эхокардиография кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	1-гурух (n= 49)	2-гурух (n= 36)	Назорат гурухи (n=70)	P value
<b>Чап қоринча эхокардиография кўрсаткичлари</b>				
ЧҚ ҚОФ %	50,0 ± 7,3	53,1 ± 5,9	64,6 ± 4,1	P <sub>1</sub> -P <sub>2</sub> <0,05 P <sub>1</sub> -P <sub>3</sub> <0,001 P <sub>2</sub> -P <sub>3</sub> <0,001
Пик Е см/сек	44,1 ± 5,5	58,4 ± 6,1	61,5 ± 6,4	P <sub>1</sub> -P <sub>2</sub> <0,05 P <sub>1</sub> -P <sub>3</sub> <0,01 P <sub>2</sub> -P <sub>3</sub> <0,05
Пик А см/сек	62,4 ± 9,9	45,7 ± 8,3	43,8 ± 7,1	P <sub>1</sub> -P <sub>2</sub> <0,01 P <sub>1</sub> -P <sub>3</sub> <0,01 P <sub>2</sub> -P <sub>3</sub> >0,05
Е/А	0,89 ± 0,34	1,06 ± 0,29	1,39 ± 0,19	P <sub>1</sub> -P <sub>2</sub> >0,05 P <sub>1</sub> -P <sub>3</sub> >0,05 P <sub>2</sub> -P <sub>3</sub> >0,05
Е/е'	12,16 ± 3,25	10,98 ± 2,84	8,40 ± 1,67	P <sub>1</sub> -P <sub>2</sub> >0,05 P <sub>1</sub> -P <sub>3</sub> <0,05 P <sub>2</sub> -P <sub>3</sub> >0,05
Локал қисқаиш индекси	1,6 ± 0,3	1,5 ± 0,3	1,0	P <sub>1</sub> -P <sub>2</sub> >0,05 P <sub>1</sub> -P <sub>3</sub> <0,05 P <sub>2</sub> -P <sub>3</sub> <0,05
<b>Ўнг қоринча эхокардиография кўрсаткичлари</b>				
ЎҚ МФЎ %	36,1 ± 4,9	38,0 ± 3,5	45,2 ± 6,4	P <sub>1</sub> -P <sub>2</sub> <0,05 P <sub>1</sub> -P <sub>3</sub> <0,001 P <sub>2</sub> -P <sub>3</sub> <0,01
Пик Е см/сек	46,1 ± 8,5	51,3 ± 8,8	52,9 ± 8,6	P <sub>1</sub> -P <sub>2</sub> <0,05 P <sub>1</sub> -P <sub>3</sub> <0,05 P <sub>2</sub> -P <sub>3</sub> >0,05
Пик А см/сек	42,1 ± 10,9	35,3 ± 7,8	41,1 ± 9,0	P <sub>1</sub> -P <sub>2</sub> <0,05 P <sub>1</sub> -P <sub>3</sub> >0,05 P <sub>2</sub> -P <sub>3</sub> <0,05
Е/А	1,1 ± 0,3	1,5 ± 0,4	1,3 ± 0,2	P <sub>1</sub> -P <sub>2</sub> <0,05 P <sub>1</sub> -P <sub>3</sub> >0,05 P <sub>2</sub> -P <sub>3</sub> >0,05
DT Е тўлқин см/сек	246,4 ± 59,5	271,2 ± 36,1	261,5 ± 35,1	P <sub>1</sub> -P <sub>2</sub> >0,05 P <sub>1</sub> -P <sub>3</sub> >0,05 P <sub>2</sub> -P <sub>3</sub> >0,05
Е/е'	5,62 ± 1,93	6,10 ± 1,37	4,33 ± 1,17	P <sub>1</sub> -P <sub>2</sub> >0,05 P <sub>1</sub> -P <sub>3</sub> <0,05 P <sub>2</sub> -P <sub>3</sub> <0,01

*Изоҳ:* ЧҚ—чап қоринча; ЎҚ—ўнг қоринча; ҚОҲ—қон отиш ҳажми; Е/А—трансмитрал/ транстрикуспидал клапан Е ва А тўлқинлар тезлигининг фарқи; Е/е'—трансмитрал Е тўлқин тезлигини миокардиал е' тўлқини тезлигига нисбати;

**"Чап қоринча чандикли ўзгаришнинг турли локализацияси билан юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда ўнг қоринча дисфункциясининг ривожланиши"** биринчи кичик бобида биз МИ нинг турли локализацияси бўлган беморларнинг 2 гуруҳи ўртасида ўнг қоринчанинг функционал ҳолатини қиёсий таҳлил қилдик: 1-гуруҳ (n=49) — ЧҚ олдинги ва олдингитўсиқ девори МИ билан; 2-гуруҳ (n=36) — ЧҚ пастки ва орқа-ён девори МИ билан. Маҳаллий қисқарувчанлигининг бузиш индексига кўра биринчи ва иккинчи гуруҳлар мос равишда  $1,6 \pm 0,3$  ва  $1,5 \pm 0,3$  ташкил қилди ва ўзаро фарқ қилмади ( $P > 0,05$ ). Назорат гуруҳи 70 соғлом бемор ташкил этди.

1- ва 2- гуруҳлардаги беморларда ЧҚ ҚОФ назорат гуруҳидаги беморларга қараганда сезиларли паст бўлган,  $50,0 \pm 7,3\%$ ,  $53,1 \pm 5,9\%$  ва  $67,6 \pm 4,1\%$  мос равишда ( $P_1-P_2 < 0,05$ ,  $P_1-P_3 < 0,001$ ,  $P_2-P_3 < 0,001$ ). Импульс-тўлқинли доплерография текширувида 1-гуруҳ беморларда эрта диастолада ЧҚ тўлишиш кўрсаткичлари нисбатан пастроқ, яъни трансмитрал Е оқим пик тезлиги  $44,1 \pm 5,5$  см/сек ( $p_1-p_2 < 0,05$ ,  $p_1-p_3 < 0,01$ ,  $p_2-p_3 < 0,05$ ), трасмитрал А оқим пик тезлиги эса  $62,4 \pm 9,9$  см/сек ( $p < 0,01$ ) 2-гуруҳидаги беморларга нисбатан юқори бўлди ( $P_1-P_2 < 0,05$ ,  $P_1-P_3 < 0,01$ ,  $P_2-P_3 < 0,05$ ) (1-жадвал).

Ўнг қоринча параметрларининг қиёсий таҳлиliga кўра, биринчи гуруҳ беморларда ўнг қоринча майдонининг фракционал ўзгариши сезиларли даражада паст бўлганлиги ва  $36,1 \pm 1,9\%$  ни ташкил этганлиги қайд етилди ( $p_1-p_2 < 0,05$ ,  $p_1-p_3 < 0,001$ ,  $p_2-p_3 < 0,01$ ).


Ўнг қоринча транстрикуспидал эрта тўлиши пик тезлигининг трикуспидал ҳалқаси эрта диастолик тезлигига ( $E/e'$ ) нисбати 1- ва 2-гуруҳларда ўхшаш бўлган бўлса ( $p_1-p_2 > 0,05$ ), 2-гуруҳда бу кўрсаткич назорат гуруҳига қараганда юқори бўлган ( $6,10 \pm 1,37$  ва  $4,33 \pm 1,17$  см/сек;  $P < 0,01$ ).

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, пастки девор миокард инфаркти бўлган беморларда эрта диастолада транстрикуспидал қон оқимининг пик тезлиги сезиларли даражада камаяди ва трикуспидал клапан  $E/e'$  нисбати соғлом назорат беморларига нисбатан юқори кўрсаткични ташкил этди. Бироқ, ЧҚ олд девор инфаркти ўнг қоринча функциясининг яққолроқ узгаришларига олиб келди, бу ўнг қоринчанинг систолик (МФЎ томонидан акс эттирилган) ва диастолик (ТК Е тўлқини ва ДТ тезлиги билан акс эттирилган) кўрсаткичларида ўз аксини топди, ҳамда аниқланган ўзгаришлар соғлом гуруҳдагилар билан солиштирганда яққолроқ намоён бўлди. Ушбу маълумотлар шуни кўрсатдики, миокард инфарктида шикастланишнинг турли локализацияларида ўнг қоринча функцияси гетероген равишда бузилиши мумкин, олд девор инфаркти бўлган беморларда эса ўнг қоринча функциясида яққолроқ ўзгаришлар кузатилади.

Диссертация ишининг **"Миокард инфаркти билан боғлиқ ўнг қоринча дисфункциясида хирургик миокард реваскуляризацияси ва дори терапиясининг қиёсий самарадорлиги"** деб номланган иккинчи кичик бобида биз миокард реваскуляризацияси (ТКА ёки КШ) ўтказган ва оптимал дори терапиясида бўлган миокард инфаркти бўлган беморларда даволаниш

фонида 6 ва 12 ойдан кейин ўнг қоринчанинг функционал ҳолатининг динамикасини ўргандик.

Биз дори терапиясида бўлган 30 беморни (1-гурух), инфаркт билан боғлиқ стентлашдан ўтказилган 71 беморни (2-гурух) ва аортокоронар шунтлаш бажарилган 23 беморни ўргандик (6-расм).



